

Ёрдам бериш йўли (Болалар учун)

05:00 / 16.02.2017 4524

Совуқ қиш куни эди. Мактабга кетаётган Ийсо йўлда бир камбағал болани учратиб қолди. Бу бечора боланинг устида пальтоси йўқ эди. Йиртиқ этигидан сув ўтиб кетгани ҳам кундай равшан бўлиб кўриниб турганди.

Ийсо қалбининг туб-тубидан унинг иқтисодий ҳолати яхши эмаслигини сезиб ўзида унга нисбатан ачиниш ва ғам ҳис қилди. Оиласининг аҳволи яхши бўлма-сада Ийсо мухтожларга ёрдам беришни кечиктирмасди.

Ийсо бу бечора камбағал боланинг кетидан кета бошлади. Боланинг ўзи ўқийдиган мактабга кириб кетганини кўрганида ажабланди. Аввал у ерда бу болани кўрганини эслай олмади. Унга қандай ёрдам бериш ҳақида ўйлай бошлади, аммо калласига бир тайинли фикр келмади. Агар унга ўзининг икки йилдан бери кийиб юрган пойафзалини берса, ўрнига ўзи нима кийишини билмасди.

Танаффус пайтида бу бечора бола билан учрашиб унга деди: Мен сен билан дўстлашмоқчиман. Бир пасда унга ўрганиб қолди. Бечора боланинг отаси бир неча йил аввал вафот қилиб у онаси ва икки укаси билан яшар экан. Бу туманга яқинда кўчиб келишган экан. Ийсо ёнидан бир-иккита сомса чиқариб уни бола билан бўлишиб еди.

Кечқурун у отасига деди: Ўқитувчимиз бизга бир уй вазифаси бердилар ва биздан камбағал кишиларга ёрдам бериш йўлини излаб топишимизни буюрдилар. Шунда отаси унга камбағалларга ёрдам бериш йўлари ҳақида тушунтириб берди.

Келгуси куни мактабга чиққанида тўппа-тўғри мухтожларга ёрдам берадиган вақф бўлими кетди. У ерда бир истараси иссиқ инсонга ўзининг камбағал ва мухтож дўсти ҳақида гапириб берди ва унга ёрдам бериш ниятида эканлигини айтди. Яхши қалбли бу инсон Ийсонинг ишидан жуда ҳурсанд бўлди. Уни мақтади. Ўртоғининг турар жойини билиб беришини сўради. Бундай савобли ишларга сенга ўхшаб аҳамият берган кишиларни Аллоҳ ва унинг Расули севади деди. Чунки сен Расулуллоҳ С.А.В. нинг ушбу ҳадиси-шарифларига биноан иш тутдинг. У Зот шундай деб марҳамат қилганлар:

Яхшиликка далолат қилувчи уни қилган кимса кабидир. (Тирмизий)